

ТАЛАБАЛАР САЛОҲИЯТИНИ ТАШҲИСЛАШДА ОНЛАЙН ТЕСТ ДАСТУРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Солиҳа Нарзуллоевна Аллярова

Тошкент давлат юридик университети доценти

s.allayarova@nuu.uz

АННОТАЦИЯ

Рақобатдош мутахассисларни тайёрлашда талабаларнинг қобилият ва илмий салоҳиятини ташҳислаш таълим самарадорлигига таъсир этувчи омиллардан бири эканлиги барчамизга маълум. Шуни эътиборга олган ҳолда, ушбу мақолада олий таълим ўқув жараёнида талабаларнинг янги билимларни ўзлаштириш билан боғлиқ рефлексив ва интеллектуал имкониятларини баҳолашга оид тест методикаси ҳамда дастурий таъминоти мазмуни ёритилди. Олиб борилган изланишлар талабаларнинг ҳиссий ҳамда интеллектуал хусусиятларини ўрганишда адаптив тестлардан фойдаланиш самарали эканлигини тасдиқлади. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот контенти мазмуни тавсифланди.

Калит сўзлар: олий таълим, дастурий таъминот, адаптив тест, ташҳислаш, рефлексни баҳолаш, тафаккур услуби.

ABSTRACT

Relevance of the topic. Diagnosis of students' abilities and scientific potential in the training of competent professionals is one of the factors influencing the effectiveness of education. Taking this into account, this article discusses the content of software test methodology to assess students' reflexive and intellectual abilities related to the acquisition of new knowledge in higher education.

The aim of this research is to reveal the importance of diagnostics, in particular, online diagnostic programs in the development of students' professional skills (hard skills) and flexibility (soft skills).

Research Methods - Due to the doctrinal and hypothetical nature of the research, the content of the scientific sources was analyzed in the preparation of the article, based on the best practices put forward in the studied sources, the methodology of diagnosing ability was tested on the basis of the program.

Results and conclusions. The results of the test confirmed

the effectiveness of online test programs in determining the abilities and talents of students in higher education. We consider it expedient to improve and widely popularize the content of program products developed on the basis of research results.

КИРИШ

Таълимда АКТ имкониятларидан кенг фойдаланилаётган ҳозирги даврда талабалар билимини баҳолашнинг энг одилона усулларидан бири бу тест назорати ҳисобланади [1]. Республикаизда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг тест шаклида ташкил қилиниши бунинг бир исботидир. Таълимда тест асосида назорат қилишга қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат: - валидлилиги (функция ва мазмуни жиҳатидан адекватлиги); - аниқлиги (ҳамма учун тушунарлилиги); - соддалиги; - бир хил маънени англатиши (жавобларига кўра баҳолаш); - ишончлилиги. Шу кабиларни эътиборга олган ҳолда замонавий таълимда талабалар билими ва имкониятларига ташҳис қўйиш, уларнинг билим ва қўнималарини баҳолашда тестлаш усулидан фойдаланиш (айниқса, пандемия даврида) самарали натижа беради. Шунга кўра биз, баркамол шахсни ривожлантиришда қўплаб давлатларнинг таълим тизимида самарали фойдаланилаётган онлайн тестлар аҳамияти ва уни қўллаш имкониятларини ўрганишга ҳаракат қилдик.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Сўнгти йилларда Ғарб давлатларида ва нуфузли ташкилотлар (Microsoft, TOEFL) адаптивлашган тест турларидан фойдаланиши кўпайиб бормоқда. Психодигантика фан сифатида пайдо бўлишидан анча олдин адаптивлашган тестлар пайдо бўлган эди. Биринчи бўлиб адаптивлашган тестни Байнетнинг интеллект тести ҳисобланиб у 1905 йилда [2]. Байнетнинг интеллект тести ўша вақтда қоғозли версияси яратилган бўлиб, компьютерсиз амалга оширилган эди [3]. Ҳозирги замонавий адаптивлашган тестларнинг барчаси автоматлаширилган бўлиб, компьютер орқали амалга оширилади. Адаптив тест бу тест топширувчисининг берган жавобидан келиб чиқсан ҳолда кейинги (навбатдаги) “тушадиган” тест саволининг ўзгаришидир [4]. Агар талаба тест топшириш вақтида осон тестларга жавоб бераётган бўлса у ҳолда тест оловчи тизим автоматик равишда мураккаб тест саволини беради, агар тест топширувчи мураккаб тест саволига жавоб бера олмаса навбатдаги тест саволи осон кўринишдаги тест саволига ўтади ва ҳоказо.

Компьютер орқали тестлаш жараёнини ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуидагиларда намоён бўлади:

- ўқувчилар уйида бўлган ҳолда тест топшириқларини бажаришлари мумкин;
- бу ҳолат масофали таълим жараёнида;
- мустақил таълимда ;
- жисмоний нуқсонга эга бўлган ўқувчиларнинг уйда ўтирган ҳолда тест топшириқларини бажариш имкониятини беради [5].

Қоғозда чиқариладиган тест саволлари учун қўп миқдорда қоғознинг ҳарж қилинишига олиб келади ва ўз навбатида текшириш жараёни ўзига яраша ўқитувчидан қўп вақт ва энергия сарф қилиниши олиб келади.

Тестларни маҳсус дастурий таъминот орқали олинишининг қуидаги афзалликлари мавжуд:

- компьютер орқали амалга ошириладиган назорат жавоблари зудлик билан баҳоларининг чиқиши (зудлик билан баҳоланиши);
- бир вақтнинг ўзида бир нечта талабаларни билимини баҳолаш имконияти;
- тест саволларининг маҳфийлигини таъминлаш имконияти (қоғозда бўлган тест саволларини ўғирлаш имконияти мавжуд);
- тест натижасини автоматик равишда ҳисботининг шаклланиши;
- тест саволларига мультимедиа элементларини ишлатиш имконияти (видео роликлар, флейш роликлар, рангли расмлар ва аудио файлларни ишлатиш мумкин) ва бошқа.
- тест саволларини қийинчилик даражаси бўйича тақсимлаш имконияти [5].

НАТИЖАЛАР

Ўрганилган манбаларга асосан тадқиқотчилик қобилиятини ташҳисловчи тест дастурий таъминоти ишлаб чиқдик ва ушбу дастур <http://tashxis.nuu.uz> манзилида фойдаланишга топширилди.

Ушбу тест дастури қуидаги имкониятларга эга:

- тест топширувчиларни рўйхатдан ўтказиш;
- тест топшириш учун белгиланган мавзуни намойиш этиш;
- саволларни тасодифий танлаш;
- ҳар бир савол учун жавоб вариантларини ўрин алмаштириш;

- бир неча мавзуни ўз ичига олган гурухли мавзули тест олиш;
- саволларга орқага қайтмасдан бир марта жавоб бериш;
- саволларга орқага қайтиш орқали бир неча марта жавоб бериш;
- аудио ва видео материалли саволларни намойиш этиш; (wav, mid, mp3; 3gp, dat, avi, mpeg ...)
 - тест топширувчилар ҳаракатларини баёнлаштириш;
 - натижаларни тест жараёнида экранда кўрсатиш;
 - саволларга жавоб бериш жараёнида керакли изоҳлар ва тушунтиришлар бериш;
 - тест топширувчилар натижаларини умумий базада тўплаш;
 - саволларга жавоб беришда тасдик сўраш;
 - сана ва вақт маълумотларини сервердан олиш;
 - жавоб бериш жараёнида расмлар, аудио ва видео материалларни ўқиши;
 - экранда тест натижасини билдирувчи индикаторни намойиш килиш;
 - ихтиёрий тилли интерфейс (ўзбек, рус ва инглиз);
 - натижаларни баёнлаштириш ва умумий базада жамланиши таъминлаш;
 - баённома ва қайдномани матнга чиқариш;
 - саволларни таҳрир килишда экспорт ва импорт қилиш, хусусан:
 - психологик тестларни тест мажмуасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб яратиш имконияти;
 - тест топшириш интерфейси фойдаланилаётган қурилманинг экрани ўлчамларидан келиб чиқиб ўша экранга мослашиши (Adaptive).

Дастурдан узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида қўллаш ва фойдаланиш мумкин. У таълим олувчиларнинг тадқиқотчилик қобилиятларини аниқлаш, илмий фаолият олиб боришга оид малака ва кўникмаларини ташҳислаш, интеллектуал ва руҳий имкониятларини баҳолашга мўлжалланган. PHP, MySQL, Smarty, HTML5, CSS3, Jquery, MathJax дастурларидан фойдаланилган.

Мухокама. Ишлаб чиқилган тест дастурига ҳозирча тадқиқотчилик қобилиятини аниқлашга йўналтирилган икки турдаги тест жамланмалари киритилди (1-расм):

The screenshot shows a web-based application interface. On the left is a dark sidebar with the NUU logo and a navigation menu. The main area has a light blue header with the title 'Тест жамланмалари' (Test Results). Below the header is a breadcrumb trail: 'Бош саҳифа / Жамланмалар рўйхати'. A table displays two test results. The columns are labeled '#', 'Изоҳ', 'Тест тuri', and 'Саволлар сони'. The rows show: 1. Рефлексияни баҳолаш (Tоқ-Жуфт, 30 points) and 2. Тафаккур услуби (С.И.П.А.Р., 18 points). Each row has a settings icon.

1-расм. Тест жамланмалари.

1. Рефлексни баҳолаш.
2. Тафаккур услубини аниқлаш.

“Рефлексия” тести

Рефлексияни баҳолаш методикаси шахснинг ўзини ва атроф-оламдаги воқеа-ходисаларнинг кечиши билан боғлиқ вазиятларни таҳлил қилиш хусусиятини ўрганишга мўлжалланган.

Методика ўзини ўзи баҳолаш ва ўз тадқиқот фаолиятини ўз-ўзини таҳлил қилиш, идентификациялашни, илмий билишда ўз-ўзини ривожлантириш йўлларини баҳолашнинг ўз ичига олади. Бир жиҳатдан шахснинг ўз фаолиятини таҳлил этиш хусусиятларини баҳоласа, иккинчи томондан ўзга инсонлар ва атрофдаги вазиятларни таҳлил қилиш хусусиятига эгалигини ифодалайди.

Методикадаги рефлексия даражаси шахснинг уч хил ҳолатдаги вазиятни баҳолаш имконини беради:

1. аниқ ҳаётий вазиятдаги ўзининг хулқ-атвори ва фаолиятини таҳлил эта олишини ва қарор қабул қила олиш хусусиятини;
2. ўтмишда юз берган воқеа ҳодисалар ва амалга оширилган фаолиятнинг таҳлил қилиш, воқеа-ходисаларнинг содир бўлиш шарт-шароитлари, сабаблари, унинг самарадорлик кўрсаткичлари ва хатоларини таҳлил қилиш қобилиятини;
3. истиқболни акс эттирувчи рефлексия, яъни келгуси фаолиятни, хулқ-атворни таҳлил қилиш функциясини; режалаштиришни; натижаларни башорат қилиш хусусиятини [7]..

Методиканинг оригинал шакли борасидаги маълумотларга кўра, унинг натижаларининг аниқлиги ва барқарорлигини акс эттирувчи ишончлилик даражаси психодиагностик талабларга жавоб беради. Методиканинг валидлигини текшириш тадбирлари

ҳам психометрик мезонларга мувофиқ таъминланган, деган хulosага эга.

«Тафаккурнинг индивидуаллиги услуби» методикаси

Бу методика шахс тафаккурининг устувор услубини аниқлашга, шунингдек, шахснинг муаммо, масаланинг қўйиши ва қарорлар қабул қилиш усусларини баҳолашга мўлжалланган.

Методика шахснинг янги, оригинал ечимлар топиши, ғояларни бирлаштириш, кўпинча қарама-қарши ғоялар, фикран тажрибалар амалга ошириш қобилиятини; яққол ечимлар топиш учун зарура бўлган амалий услублар топишини; хулқ-автор тактикасини муваффақиятли топа олишини; фактларни танлаш ва улар билан ишлаш хусусиятини; мақсадга эришиш учун вазиятларни коррекциялаш хусусиятларини баҳолайди. Оқибатида синтетик, идеалистик, реалистик, прагматик ва аналитик тафаккур услубларининг хусусиятларининг қайси бири етакчилик қилишини аниқлайди [6].

Тест жамланмалари Лайкерт шкаласи асосида баҳолашга мўлжалланган бўлиб, ҳар биридан фойдаланиш учун йўриқнома тақдим этилган. Саволлар бир неча мулоҳазалардан иборат сўровномага жавоб беришга мўлжалланган. Рефлексни баҳолашда жавоб вариантлари қўйидаги тартибда: 1-асло рост эмас; 2-рост эмас; 3-қисман рост эмас; 4-билмайман; 5-қисман рост; 6-рост; 7- тўлиқ рост. Мулоҳазаларга узоқ ўйламасдан жавоб бериш лозим, бир вақтни ўзида бундай вазиятларда тўғри ёки нотўғри жавоб бўлмаслиги келтирилган (2-расм).

NUU

Тест

Талабалар

Тестлар

Натижалар

Тест олиш графиги

Тест жамланмалари

Тест созламалари

Структура

Справочниклар

Ўзбекча

Администратор

Активация Windows

2-расм. Рефлексни баҳолаш саволлари.

Тафаккур услубини баҳолаш учун тақдим этилган сўровнома ҳар бир бандининг тасдиқлари бештадан якунловчи жавоб вариантларига эга. Бунда берилган тасдиқларнинг ҳар бири 5-балли тизим бўйича баҳоланади. Жумладан, 5- мутлақо тўлиқ

мос келади; 4-тўлиқ мос келади; 3- мос келади, 2- қисман мос келади; 1-жуда кам мос келади. Бандларни баҳолашда уларнинг ҳар бири бир мартадан иштирок этиши шарт.

The screenshot shows a test interface with a sidebar menu and a main content area. The sidebar includes options like Тест, Талабалар, Тестлар, Натижалар, Тест олиш графиги, Тест жамламалари, Тест созламалари, Структура, and Справочниклар. The main content area displays a test with two sections, A and B, each with five multiple-choice questions. Each question has a grid for marking answers (C, F, П, А, Р) and a '3' icon indicating it's a three-point question. The bottom right corner shows an 'Активация Windows' button.

3-расм. Тафаккур услугини ташхисловчи тест

Сўров натижаларини гуруҳ ёки индивидуал кесимда фильтрлаш мумкин (4-расм).


The screenshot shows a list of tests under the 'Натижалар - Тест синовлари' section. It includes two tables: one for 'Рефлексияни бақолаш ()' and another for 'Тафаккур услуги ()'. Each table lists the fan (topic), block, time limit, total points, and individual scores. Buttons for 'Умумий баённома' (Overall summary) are visible next to each table.

4-расм. Натижаларнинг кўриниши.

Юқорида келтирилганидек, дастур олий таълим муассасалари учун мўлжалланган бўлиб, унда натижаларни бир неча тузилмаларда кўриш мумкин (5-расм):

- академик даражалар;
- таълим шакли;
- курслар;
- қабул йили;
- худудлар;





-миллат;
-жинс ва бошқа индикаторлар бўйича ажратиб олиш, натижаларни баҳолаш ва солиштириш мумкин.

5-расм. Тест натижаларини саралаш структураси.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, тест дастурининг дастлабки синов натижалари олинди ва кўрсатгичлар ўрганилиб таҳлил қилинмоқда. Истиқболда тадқиқотчилик қобилияти юқори деб баҳолангандан талабалар билан алоҳида шуғулланиш, уларни илмий фаолиятга йўналтириш мақсад қилиб қўйилган.

Дастурий таъминот орқали талабаларнинг эмоционал ва интеллектуал қобилиятларини ташхисловчи дастурлар ўрганилди ва шу асосда дастур ишлаб чиқилди ва контент тўлдириб борилмоқда. Барча соҳада рақамлаштириш тенденцияси жадал ривожланаётган ҳозирги кунда талабаларнинг илмий салоҳиятини ташхислашда тест каби дастурий таъминот маҳсулотларини ўкув жараёнига қўллаш таълим сифатини оширишга хизмат қиласи. Шундай экан, олиб борилаётган изланишлар олий таълимда ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, илмий тадқиқот фаолиятини самарали йўлга қўйиш, фан – таълим – ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга ўзига хос хисса қўша олади, деб ишонч билдирамиз.

REFERENCES

1. Миленко, Н. Н. (2018). Организация и проведение онлайн тестирования. Опыт и перспективы онлайн-обучения в России, 35.
2. <https://www.verywellmind.com/alfred-binet-biography-2795503> Binet & Simon, 1905)
3. Белов С.В. Безопасность жизнедеятельности М.: Высшая школа. 2003.
4. <http://www.test4u.ru/cat.html>
5. Хамидов В.С. WONDERSHARE QUIZ CREATOR дастур мұхитида электрон тестлар яратиш бўйича қўлланма. –Т.: ТАТУ, 2013. <http://www.elearning.zn.uz>
6. А.И.Расулов (2021). ТАЛАБАЛАР ТАДҚИҚОТЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИ МЕЗОНЛАРИ ВА ДИАГНОСТИКАСИ.



- Academic research in educational sciences, 2 (NUU Conference 1), 369-374.
7. Расулов, А. И. (2018). УНИФИКАЦИЯ СИСТЕМЫ ОБРАБОТКИ РЕЗУЛЬТАТОВ ЛИЧНОСТНЫХ ОПРОСНИКОВ. ББК 1 Р76, 126.
8. Аллярова, С. Н., & Сайитова, У. Ҳ. Қ. (2021). МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ: МАЗМУНИ, ИМКОНИЯТЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2(1).
9. Аллярова, С. Н. (2019). ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА АКТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА. Журнал Социальных Исследований, (6).
10. Тохировна, К.Ф. (2021, февраль). Болонский договор и ECTS (ЕВРОПЕЙСКАЯ СИСТЕМА ПЕРЕДАЧИ КРЕДИТОВ). В архиве конференций (т. 14, № 1, с. 25-31).